Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 115 (21. 214) 1992 йил 11 июнь; пайшанба ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

РЎЗНОМА САҲИФАЛАРИДА:

● Қурбон ҳайитингиз билан самимий муборакбод этамиз (1-БЕТ)

● Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармасини тузиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон мустақилликка эришаётган шароитда табиий ва қонуний тадбирдир. (2-БЕТ)

● Жаҳон бўйлаб: янгиликлар, хабарлар, шарҳлар (3-БЕТ)

● Юртимиздан меҳр-мурувват, қут-барака, осойишталик армасин. (4-БЕТ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАРЧА МЎМИН - МУСУЛМОНЛАРИГА

ҚУТЛОВ

Азиз биродарлар, муҳтарама опа-сингиллар!

Сизларни бутун дунё ислом аҳлининг мўътабар айёми — Қурбон ҳайити — ийд-аль-адҳа билан самимий муборакбод этамиз.

Халқимизнинг тобора ўзлигини таниб бораётганлиги ва мустақил Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ҳозирги сиёсат туфайли исломий қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Табиийки, бу ҳол жумҳуриятимиздаги мўмин-мусулмонларда, барча фуқароларда ўзаро ишонч, тотувлик, ҳалоллик ва поклик туйғуларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Имон-эътиқоднинг барқарорлашуви, меҳнатга ва илмга бўлган муносабатнинг ўзгариши эса жаҳоннинг тараққий этган давлатлари қаторидан ўрин олишни кўзлаётган ҳур Ўзбекистоннинг равнақига кўмаклашгусидир.

Сизларнинг барчангизга тинчлик, омонлик, эзгу ишларингизда ривож тилаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитаси.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Корея журналистини қабул қилаётган пайт.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 июнь куни Корея Республикасининг энг нуфузли «Чосон ильбо» газетаси мухбири Жонг Сокни қабул қилди.

Мухбир Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига бўлажак сафари мақсадлари ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Биз, — деди Президент, — Яқин ва Узоқ Шарқдаги барча мамлакатлар билан тинч ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш ниятидамиз, Корея Республикасига ҳам айни шу мақсадда ташриф буюрмоқчимиз. Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон Республикаси дунёнинг ўнлаб мамлакати билан иқтисодий алоқа боғлаб, 250 дан зиёд қўшма корхона очди. Ўзбекистонда Кореянинг «Самсунг электроникс», «Хансо трейдинг» фирмалари шуҳрати яхши маълум. Бундан кейин ҳам шундай алоқаларни ривожлантираверамиз.

Ўзбекистон Президенти Жонг Сокнинг жумҳурият иқтисодиёти, ташқи иқтисодий алоқалари, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақидаги саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА).

ЯНГИ РАЙОНДА ХДП КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

СУРХОНДАРЁ. Янги ташкил топган Бандихон районида Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференция собиқ Ленин йўли (ҳозирги Қидириқ) районида ХДП район кенгашининг котиби бўлиб ишлаётган Ж. Нормўминовни район кенгашининг биринчи котиби этиб сайлади. Ч. Мирзаев район кенгаши котиби қилиб сайланди. Конференция ишида ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Э. Тўрақулов ва район ҳокими Н. С. Даминов иштирок этдилар.

ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ БЎЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қумқўрғон район кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келаётган А. Х. Чориев бошқа ишга ўтди. У вилоят давлат назорати бошқармасининг Шеробод райони бўйича назоратчиси этиб тайинланди. Шунинг учун район кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленуми уни биринчи котиблик вазифасидан озод қилди. Бу вазифага С. Р. Зуниунова сайланди. Пленум, шунингдек, район кенгашининг котиби вазифасидан озод этилган О. Абдуллаева ўрнига С. Менгноровни сайлади.

Пленум ишида ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Э. Тўрақулов қатнашди.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРРАГА ЕТИШДИ

● Фарғона вилоятининг пиллакорлари пилла тайёрлаш йиллик режасини ортиғи билан бажардилар. Ҳар қути уруғдан 72 килограммдан ҳосил олиниб, қабул пунктларига 5900 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навли бўлди. Бу борада Данғара, Учкўприк, Тошлоқ районлари пиллакорлари ибрат кўрсатишди.

Вилоят хўжаликларида пилла териш давом этмоқда. Кумуш тола бунёдкорлари йиллик режага қўшимча яна 640 тонна ҳосил топширишга аҳд қилишди.

НУКУСДА КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

● Қорақалпоғистон пойтахти Нукусда кабель заводи қурилиши давом этмоқда.

— Корхона шу йил апрель ойида ишга туширилиши керак эди, — дейди завод директори А. У. Пяк. — Аммо иқтисодий тақчиллик боис бироз кечикилмоқда. Завод учун сотиб олинган ускуналар Германиядан етиб келди. Биринчи навбатни ишга туширсак, 128 минг километр кабель ишлаб чиқариш имконига эга бўламиз.

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

● Самарқандда «Озарбайжон—Ўзбекистон» маданий-иқтисодий алоқалар маркази иш бошлади. Марказнинг мақсади Самарқанд вилоятида яшовчи озарларнинг миллий анъана, урф-одатларини тиклаш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказишдан иборат.

— Биз озарбайжон ва бошқа давлатлардаги юртдошлар билан ҳам алоқа ўрнатиш ниятидамиз, — дейди марказ раиси, Самарқанд давлат университетининг ўқитувчиси С. Ожев. — Ўзбек халқининг тарихи, тили, маданиятини ўрганишга катта аҳамият берамиз, бу эса дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎзА).

• РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ • ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Республика Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонга келган «Эдвенс капитал сервис корпорешн» Канада компаниясининг президенти Роберт Полмни 9 июнь куни қабул қилди.

Самимий ва ошкора суҳбатда меҳмонга Ўзбекистон ҳақида, республиканинг давлат мустақиллигини ҳозир жаҳондаги 110 мамлакат тан олганлиги, республика мустақиллиги эълон қилингандан кейинги даврда бўлиб ўтган катта ва муҳим ўзгаришлар, жаҳон ҳамжамиятида ҳозир республиканинг тутган ўрни тўғрисида сўзлаб берилди. Республиканинг иқтисодиёти, табиий бойликлари, улардан халқ манфаатлари йўлида тўлароқ фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирилди. Маҳаллий хом ашёни тағин ҳам самаралироқ қайта ишлаш учун ҳорижий технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбатда, жумладан, Ўзбекистон билан Канаданинг иқтисодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш имкониятларига катта эътибор берилди. Бундан, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш иккала мамлакат учун шубҳасиз, фойдали бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Канадалик меҳмон самимий кутиб олгани ва эътибори учун Ўзбекистон Президентига миннатдорчилик билдирди. У республика бозор муносабатларига ўтиш йўлида ҳозир амалга ошираётган сиёсатни юқори баҳолади.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов иштирок этдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ Ш. Р. РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Жўрабеков И. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси

Убайдуллаев Ш. О. — Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг масъул ходими, комиссия котиби

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдиров Ч. — Қорақалпоғистон Республикаси клиник ва тажриба тиббиёт илмий-тадқиқот илмгоҳининг директори, академик

Абдураҳмонов П. М. — Самарқанд вилояти ҳокими

Ботиров Э. — Шароф Рашидов районидаги «Правда» давлат хўжалигининг бўлим бошқарувчиси

Ёдгоров Д. С. — Бухоро вилояти ҳокими

Жалолов Б. — Ўзбекистон халқ рассоми

Жамол КАМОЛ — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби

Жуманиёзов М. — Хоразм вилояти ҳокими

ЗУЛФИЯ — Ўзбекистон халқ шоираси

Мамарасулов С. — Ўзбекистон Республикаси давлат сув хўжалиги қурилиши комитети раисининг биринчи ўринбосари

Муҳаммад Юсуф — шоир

Муҳаммаджонов З. — Ўзбекистон халқ артисти

Олимов Ў. З. — Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

Орипов А. — Ўзбекистон халқ шоири

Пайғамов А. — Фарғона вилояти Ўзбекистон районига қарашли Ленин номидаги жамоа хўжалигининг раиси

Рапиғалиев Б. — Наманган вилояти ҳокими

Расулов М. М. — Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби

Раҳимов Б. — уруш ва меҳнат фахрийси

Сайдалиев С. Д. — Тошкент вилояти ҳокими

Салоҳиддинов М. — Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти

Салимов О. У. — Тошкент давлат техника университетининг ректори

Турсунов Э. — Жиззах вилояти ҳокими

Умурзоқов М. Б. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими

Файзуллаев И. — Денов районига қарашли Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалигининг раиси, Ўзбекистон халқ депутати

Шукрулло — Ўзбекистон халқ шоири

Холмирзаев Қ. — Андижон вилояти ҳокими

Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби

Яшин К. Н. — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик

Қаюмов М. — Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби

Қорабоев М. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

ХАЛҚНИНГ БЕБАҲО МУЛКИ

Хивада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сайёр мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Маданий меросни ўрганиш, туризмни ривожлантириш, осори атиқаларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Тарихчилар, ёзувчилар, архитекторлар, маданият ва туризм ходимлари ахборот бердилар. Мажлис қатнашчилари қадимий Хиванинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечирдилар, «Ичанқалъа» музей-қўриқхонасида археология ва таъмирлаш ишлари қандай бораётганлиги билан танишдилар.

Хоразмда ҳозир 390 та тарихий ёдгорликлар, хотира иншоотлари мавжуд. Уларнинг кўпчилигини давлат ўз муҳофазасига олган. Бироқ, уларни асраш ва таъмирлаш кўнгилдагидек эмас, деб таъкидлашди мажлис қатнашчилари.

Мажлисда Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманиёзов нутқ сўзлади.

(ЎзА).

• ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон овози»га обуна бўлиш муддати 16 июнгача узайтирилди

ВИЛОЯТЛАРДАГИ кўплаб муштарийларимизнинг истак-ҳоҳишларига жавобан рўзнома таҳрир ҳайъатининг 1992 йил иккинчи ярмига «Ўзбекистон овози»га ёзилиш муддатини шу йил 16 июнгача узайтириш тўғрисидаги мурожаати Ўзбекистон Республикаси матбуот тарқатиш марказида қабул қилинди.

Марказ раҳбарияти ўзининг жойлардаги бўлинмалари, матбуот тарқатиш ходимларига тегишли кўрсатма юборди.

Эслатиб ўтамиз:
обуна баҳоси:
6 ойга — 195 сўм,
3 ойга — 95 сўм,
1 ойга — 33 сўм.
Нашр кўрсаткичи (индекс) 64583.
Рўзномамизнинг чакана баҳоси — 2 сўм, обуначига 1 сўм 50 тийин.

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

• ХДП: одамлар орасида

ҲИММАТ

Ҳамма жамоалар, муассасалар ва ташкилотлар сингари партия ташкилотлари ҳам иқтисодиётда мушкул кунларни бошидан кечиришмоқда. Агар иш шу йўсинда кетаверса, ташаббускорлик кўрсатилмаса айрим шаҳар ва районларда аппарат ходимларини ойлик маош билан таъминлаш янада қийинлашиши мумкин.

Хўш, бу аҳволдан чиқиш учун нима қилмоқ керак? Ҳаракатда баракат, деганларидек бунда ҳам тадбиркорлик ва ишбилармонлик қўл келяпти. Ҳам партиявий ишни, ҳам молиявий аҳволни ўнглашга интилган партия ташкилотлари ҳокимликлар билан ҳамжиҳат иш тутиб қийинчиликларни енгяптилар. Бу борада Қамаши район партия ташкилотининг дастлабки қадами ҳайрли.

— Қаловини топса қор ҳам ёнади, деди ХДП район кенгаши ижроия бюросининг ўтган йиғилишида раён кенгашининг биринчи котиби Жаббор Расулов. — Келинглар район кенгаши ҳузурида ҳайрия фонди ташкил этяпмиз. Бу маблағдан фақат ўзимиз учун эмас, ҳатто райондаги барча ҳайрли ишларда фойдаланамиз, бева-бечораларни иқтисодий жиҳатдан қўллаймиз. Энг муҳими одамлар орасида бўлсак бизни ёлғизлатиб қўйишмайди.

Бу таклиф ижроия бюро аъзолари ва ҳокимлик томонидан қўллаб-қувватланди. Банкда махсус ҳисоб очилди. Худди шундай Амир Темур фонди ҳокимлик ҳузурида ташкил этилди. Булар район матбуотида эълон қилинди. Шундан сўнг саҳоватли кишилар, ортиқча маблағи бор ташкилот ва муассаса, колхоз ва совхозлар баҳоли қудрат фондларга маблағ ўтказа бошладилар. Ҳашар ташкил қилинди. Бу соҳада ХДП аъзолари алоҳида ташаббускорлик кўрсатишди. Қисқа вақтда район партия кенгаши ҳузуридаги ҳайрия фондига ҳам, ҳокимлик қошидаги Амир Темур фондига ҳам кўп миқдорда маблағ тушди.

Ҳокимлик ўз фондига тушган маблағнинг асосий қисмини район марказида барпо этилаётган буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳиёбони қурилишига сарфлаш учун ажратди. Партия кенгаши ҳайрия фондидан эса ҳар биттаси 300 сўмлик 567 та совға тайёрланиб бева-бечора, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга ҳайрия сифатида тарқатилди. Мусулмонча суннат тўйи ўтказган Қамаши болалар уйига 10 минг сўм ёрдам қилинди. Меҳр-шафқат вилоят фондига ҳам 31 минг сўм маблағ ўтказилди.

ХДП район кенгаши фаоллари шу қийин кунларда севимли рўзномалари «Ўзбекистон овози»ни ҳам баҳоли қудрат молиявий қўллаб-қувватлашни муқаддас бурч деб билдилар, Рўзнома жамғарма фондига 10 минг сўм пул ўтказилди.

Умуман Қамаши район партия ташкилоти хайрли ишга бош қўшган. Улар кўрсатаётган ҳиммат бошқалар учун ҳам ибрат бўлса ажабмас.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«АМАЛИЙ ЁРДАМ КУТАМИЗ»

● Рўзномамизнинг шу йил 8 апрель сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Советобод шаҳридаги сув хўжалиги қурилиши материаллари комбинатида кўплаб муаммолар тўпланиб қолганлиги, уларни ҳал этишда мустақиллик берилиши катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланганди.

Мазкур мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИдан жавоб олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

— Мақола Давлат қўмитаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Хўжалик юритишни янгича усулларига ўтилаётган ҳозирги мураккаб даврда корхона ва ташкилотларга эркин ҳаракат қилиш учун тобора кўпроқ иқтисодий мустақиллик бериляпти. Натижада меҳнат жамоалари иқтисодий ривожланиш масалаларини ўзлари ҳал қилмоқдалар. Бу Советободдаги сув хўжалиги қурилиши материаллари комбинатига ҳам дахлдор.

Хусусан, комбинат ярим йилда 27,9 минг куб-метр йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлат буюртмаси сифатида жамоага 15,7 минг куб-метр, яъни 56 фоиз миқдорида йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш режаси белгиланган.

Қолган маҳсулотларни комбинат жамоанинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда тасарруф қилиши мумкин. Бундан ташқари корхонага ўз ҳоҳишига кўра янги харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш, бунинг учун моддий-техника ресурсларини топиш, маҳсулотни келишилган нархда сотиш ҳуқуқи берилган.

Ҳозир «Узирстройконструкция» бирлашмасига тегишли ташкилотларда ишлаб чиқаришни жамоалар таклиф-истакларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш бўйича тадбирлар тайёрланяпти. Бу корхоналар, хусусан, Советободдаги сув хўжалиги қурилиши материаллари комбинати молия-хўжалик фаолиятининг яхшиланишига кўмак беради.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкентдаги Ўзбекистон педиатрия илмий-тадқиқот институтида болалардаги сурункали жигар касалликлари муаммоларига бағишланган Ўзбекистон—Туркия анжумани очилди. Анжуман икки мамлакат ўртасида тузилган соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Туркияга боргандан сўнг турк шифокорлари билан алоқа ўрнатилди. Ўшанда биргаликда иш олиб бориш, хусусан, болалар сариқ касаллигига қарши курашиш тўғрисида аҳдномага эришилган эди.

— Шу муносабат билан биз турк ҳамкасбларимизни анжуманимиз ишида қатнашишга таклиф қилдик, — деди Ўзбекистон педиатрия илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари М. Аҳмедов. — Юқумли касалликлар олдини олиш ва даволаш муаммолари бизда бўлгани каби Туркияда ҳам долзарб муаммодир.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаб ўтганларидек, касалликнинг олдини олиш учун ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиш зарур. Аҳоли орасида санитария тарғиботини кучайтириш, мактаб ўқувчилари ҳамда болалар боғчаларидаги кичкинтойларга таълим ва тарбия беришнинг яхшилашга доир чораларни гигиена шарт-шароитларини ишлаб чиқиш лозим. Бу, фақат тиббиёт ходимларининг иши эмас. Хавфли касалликни ҳамма баравар ҳаракат қилсагина енгиш мумкин.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

МАХСУС ТАШКИЛОТ:

ҚОНУНГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Давлат миллий хавфсизлик бошқармасининг раиси Ғ. А. АЛИЕВ билан суҳбат

МУХБИР: Сезган бўлсангиз керак, махсус ташкилотлар фаолияти мавзуси оммавий ахборот воситаларида фаоллик билан муҳокама қилинмоқда. Республика Миллий хавфсизлик бошқармаси раҳбари сифатида сизнинг бу жараёнга муносабатингизни билишни истардик.

Ғулом АЛИЕВ: Мен умуман бу жараёнга хотиржам қарайман, матбуот қандайдир тақиқланган мавзулардан ҳоли бўлиши лозим. Шу мавзуда билимдонлик билан жиддий ва ростгўй материалларни тайёрлаётган журналистлардан миннатдор эканлигимни айтишим керак. Уларнинг тайёрлаган материаллари қанчалик танқидий бўлмасин, мен миннатдор эканлигимни айтиб қўймоқчиман.

Модомики, шу масала кўтарилган экан, давлат хавфсизлиги тўғрисида муштарийларга сўзлаб беришга уринаётган бир қанча нашрларда баъзан юзаки материаллар устунлик қилаётгани ҳақида индамай ўтолмайман. Менимча, бунинг асосий сабаби — махсус маҳкамалар фаолиятини назорат қилиш учун яширин кураш бораётганидир. Бу борада шу ишнинг ташаббускорлари кураш воситаларини танлашда ўйлаб ўтиришмайди. Барча даврларда ва ҳамма халқларда махсус маҳкамаларнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги — тоталитар режимининг ёки бошқа ҳар қандай режимнинг жазо аппаратидан бошқа нарса эмас, бинобарин, унга бевосита жамият учун хавф деб қарамоқ керак, деган фикрни яна одамларга сингдиришга ҳаракат қилинмоқда. Аммо мен бундай даъволарнинг муаллифлари давлат хавфсизлигини таъминлаши лозим бўлган махсус маҳкамалар жаҳондаги ҳамма мамлакатларда бўлгани ва бундан кейин ҳам бўлишини, давлат ҳокимиятининг ажралмас бир идораси бўлиб қолаверишини билмайдилар, демоқчи эмасман.

Мустақил Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистоннинг ҳам бошқа мамлакатлар каби кучли, ишончли, унинг халқига содиқ махсус маҳкамаси бўлиши керак. Бу ташкилотнинг вазифаси — республика истиқлолига, конституциявий тузумига, ҳудудий яхлитлигига, иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа салоҳиятига путур етказишга қаратилган ҳамда ҳориждан йўналтирилаётган разведка-қўпорувчилик фаолиятига қарши кураш олиб боришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармасини тузиш тўғрисидаги қарор, айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришаётган шароитда табиий ва қонуний тадбирдир.

Бизга баъзан Давлат хавфсизлик комитетига ўхшаш ташкилот, деб таъна қиладилар, ташкилотимизни унга қиёслайдилар, Аммо, биринчидан, республикада шу касб билан шуғулланадиган бошқа база ҳеч қачон бўлмаган, иккинчидан, Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари халқ олдида ўз шаънига доғ туширганлари йўқ. Республика судларида Давлат хавфсизлиги комитети билан боғлиқ жиноий ишлар йўқлиги бунга далил бўла олади.

Муҳолифларимиз учун эса яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман, Ўзбекистон Давлат хавфсизлик комитети қайтадан ташкил этилгани йўқ, балки сифат жиҳатидан янги идора барпо этилди. Унинг тузилиши янгича, ходимларнинг сони эса ундан бир қисмдан кўпроқ камайтирилган. 1300 дан сал кўпроқ зобит ишлаётган ташкилотга республика комитети ҳуқуқи берилган бўлиб, у бевосита республика Президентига бўйсунади ва Олий Кенгаш олдида ҳисоб беради.

Республика миллий хавфсизлик идоралари ҳал этадиган вазифалар ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозир биз разведка, контрразведка ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланмоқдамиз. Республика Қуролли Кучларида барпо этилаётган ҳарбий контрразведка идоралари, чегара қўшинлари Миллий хавфсизлик бошқармаси таркибига кирди. Ҳамма бўлинмалар фақат шу вазифаларни бажаришга йўналтирилган бўлиб, собиқ Давлат хавфсизлик комитетининг бу вазифаларига мос келмайдиган тузилмалари тугатилди.

МУХБИР: Яқинда «Независимая газета»да «Республика миллий хавфсизлик бошқармаси ўтмишдошига нисбатан кучайиб кетмоқда», бу эса «...тоталитар тизимдан бошқа — авторитар тизимга ўтишнинг дастлабки белгисидир» деган гапларни ўқидик. Баъзи нашрлар Ўзбекистон Миллий хавфсизлик бошқармаси муҳолифат раҳбарларини ва уларнинг қариндош-уруғларини назорат остига олиб қўйган: уларнинг телефон орқали гаплашишларини эшитиб боряпти, кузатмоқда ва бошқа машъум воситалардан фойдаланмоқда, дейишяпти.

Ғ. А.. Миллий хавфсизлик бошқармаси ўз фаолиятини қонунга қатъий мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Кузатиш, телефон орқали гапларни эшитиш ва шу каби бошқа тадбирлар тўғрисида гапирганда (бу тадбирлар харажати жуда қимматга тушади), очиғини айтаман, бевосита касб билан боғлиқ вазифаларни зарур даражада ҳал қилиш учун зўрға улгуряпмиз. Кимлардандир қўрққанидан эмас, балки виждонан ишлаётган ходимларимизнинг юксак маҳорати ва фидокорлиги ёрдам бермоқда.

Уйдирмалар тўғрисида гапирганда эса... махсус маҳкама бизни кузатиб юрибди, деб қуйлаётган «сиёсат»чиларнинг ҳам, оддий кишиларнинг ҳам аризаларини ҳисоблаб чиқишга вақт топсангиз, у ҳолда «тергов қилинаётганлар» сони «терговчилар» сонидан кўп марта ортиб кетади, деб қўрқаман, ташкилотимизда ишлаётганлар сони унча кўп эмаслигини юқорида айтиб ўтган эдим. Эҳтимол, буни ҳисоблаб чиқиш биринчи навбатда руҳий шифокорларни қизиқтириб қолар.

МУХБИР: Вазият ўзгараётганлиги муносабати билан Миллий хавфсизлик бошқармаси фаолиятида янги муаммолар пайдо бўляптими, бинобарин қандайдир натижалар ҳам борми? Шуни билишни истардик.

Ғ. А.: Аслида бизнинг ишимиз олдин ҳам бир соат тўхтамаган. Ишни тўхтатмаган ҳолда унинг йўналишини қайта қуришга тўғри келди. Кучларни гуруҳларга ажратдик, разведка ва контрразведкада янги устивор йўналишларни ишлаб чиқдик. Бунинг устига иш ритмизга доир тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Мисол учун, разведкада қўшни минтақа мамлакатларидаги вазият ва аввало, республикамиздаги вазиятни беқарорлаштиришни кўзлаётган доираларнинг режалари тўғрисидаги ахборотлар кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб тижорат ва илмий-техникавий ахборотлар олишга доир ишларни кучайтириш ниятидамиз. Мен бунда илғор хорижий технологияларни, илмий тадқиқотларнинг натижаларини, маҳсулотларнинг аниқ намуналарини кўзда тутяпман. Шу жиҳатдан қараганда, разведканинг муайян имкониятлари бор. Контрразведка соҳасида ҳам баъзи ютуқларга эришилди.

Республикада чет давлатлардан бири разведкасининг резиденти фош этилди ва тутатилди. Бунга дахлдор бўлган фуқаролар ва дипломатлар Ўзбекистондан чиқариб юборилди. Маҳсулотларни яширинча келтирувчилар ниқоби остида юртимизга суқулиб кирган бир қанча жосуслар аниқланди.

Ҳозирги пайтда бутун жаҳонда ташқи иқтисодий алоқалар контрразведка фаолиятининг истиқболли йўналишларидан биридир. Айни шу соҳада биз бир қанча хорижий фирмаларнинг Ўзбекистон учун фойда келтирмайдиган битим тузиш, замон нуқтаи назаридан эскириб қолган, шу жумладан, камчиликлари кўринмайдиган машина-ускуналарни, мақбул бўлмайдиган технологияларни етказиб бериш йўли билан республикага анча иқтисодий зарар етказилганлиги фош этилди. Бу эса зарар етишининг олдини олишга ва молиявий харажатларни қоплашни халқаро суд орқали талаб қилишга имкон берди.

Қўшма корхоналар ривожланаётганлиги муносабати билан контрразведка янги муаммоларни ҳал қилмоқда. Бу соҳада халқаро алоқалар устидан маҳкамалар назоратининг йўқлиги, қўшма корхоналарга ва кооперативларга махфий маълумотларга алоқадар юқори малакали мутахассисларнинг келиши давлат ва тижорат сирларини сақлаш, муҳим маълумотлар хорижга чиқиб кетишининг олдини олиш чораларини кўриш тўғрисидаги масалани ҳаммамизнинг олдимизга кўндаланг қилиб қўймоқда. Айрим қўшма корхоналар ва кооперативлар ўз тижорат муаммоларини республиканинг иқтисодий манфаатларига зарар етказган ҳолда ҳал қилишга уринаётганлиги аниқланмоқда. Бундай иш тутиш натижасида валюта маблағлари ва қимматбаҳо хом ашё Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетмоқда.

МУХБИР: Уюшган жиноятчилик — жамиятнинг энг даҳшатли иллатларидан бири. Халқаро қиёфа касб этган бу иллат билишимизча, сўнгги вақтда сиёсий тус олиб бормоқда...

Ғ. А.: Ҳа, бу ҳам давлатга чинакам хавф солмоқда. Ҳозир уюшган жиноятчи гуруҳларнинг бошлиқлари фақат бойлик тўғрисида ўйлаётгани йўқ. Бу хавфли ўргимчакнинг оёқлари ҳокимиятга интилмоқда. Умумий саъйи-ҳаракатлар билан порахўрлик тизимини яксон қилиб ташлаш, уюшган жиноятчилик бошлиқлари жамиятдаги салбий жараёнларни бошқараётган воситаларни аниқлаб яксон қилиб ташлаш учун ҳамма ишни қиляпмиз. Чет давлатлар махсус маҳкамаларининг уюшган жиноятчилик фаолияти соҳасига суқулиб кириб, уларнинг ёрдамида маҳфий операциялар ўтказишга, ижтимоий кескинлик ўчоқларини, оммавий тартибсизликлар ва шу кабиларни келтириб чиқаришга уринишларига хотима бериш — жиддий вазифадир.

Миллий хавфсизлик бошқармаси молларни яширинча келтириб сотиш, террорчилик ва экстремистик кўринишларга қарши курашишга катта эътибор бермоқда. Чунончи, сўнгги икки йил ичидагина яширин мол келтирувчилардан 36 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар ва қимматбаҳо буюмлар, 110 минг доллар мусодара қилинди ва давлатга топширилди. 34 килограмм наркотик модда («Яширин бозор» нархида бу 30 миллион сўмлик) мусодара этилди. Қўшма корхоналардан бирининг ҳисоб дафтарчасидан 800 минг долларни чет элга ғайри қонуний ўтказишга доир молиявий найрангнинг олди олинди. Оддий ўтин сифатида хорижга олиб кетиш учун мўлжалланган 800 минг долларлик ёғоч-тахта вақтида ушлаб қолинди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

МУХБИР: Сиз террорчилик ва экстремистик кўринишлар тўғрисида гапирдингиз. Уларни «фуқаро» тилига таржима қилганда, мазмуни қандай?

Ғ. А.: Депутатлардан, ҳокимиятнинг бошқа вакилларидан, оддий фуқаролардан ўч олиш хавфи афсуски кўпайиб бормоқда. Илгари бундай ҳоллар онда-сонда учрар эди, сўнгги вақтда эса жуда кўпайиб кетди. Биз ана шундай ҳолларни эътибордан четда қолдирмаяпмиз.

МУХБИР: Ҳозир Ўзбекистон сиёсий, фуқаролар осойишталиги, миллатлараро барқарорлик мавжуд бўлган камдан-кам юртлардан биридир. Сизнингча, бундай барқарорликни таъминлашда миллий хавфсизлик бошқармасининг ҳиссаси борми?

Ғ. А.: Ҳозир миллатлараро муносабатлардан кўра муҳим ва жиддий муаммо йўқ. Бу хусусда собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларида кечаётган жараёнларнинг, айрим сиёсатчилар, шу жумладан, ўзимиздан чиққан сиёсатчиларнинг ўйламай айтган гаплари ва қилаётган ҳаракатлари республикамиздаги вазиятга беқарорлаштирувчи таъсир ўтказишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳозирги шароитда ҳар қандай муаммо — иқтисодиёт, экология, тил, тарихий ўтмиш, чегара, маданият, дин ва шу кабилар теварагида чигаллик келтириб чиқариш мумкинлигини кўриб турибмиз. Эҳтиросларни авж олдириш, уни жазавага айлантириш мумкин. Шу сабабли миллий муносабатлар соҳасига бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган у ёки бу қадамнинг қаерга олиб боришини, нималарни келтириб чиқаришини вақтида англаб ола билиш керак. Республикада барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги эса ислоҳотларимиз рўёбга чиқишининг, хорижий шерикларнинг Ўзбекистонга ишончи мустаҳкамланишининг асосий шартидир. Барқарорлик ва фуқаролар тотувлигини бузишга ҳар қандай уринишларга қатъий чек қўйиш тўғрисидаги топшириқлар фақат «юқоридан» эмас, балки «қуйидан» ҳам — маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ўтказилган учрашувларда берилмоқда.

Аширбоев деган кимса Қўқонда яшовчи ўнлаб кишиларга дўқ-пўписа қилиб думалоқ хат жўнатган. Бошқармамиз ходимлари «ёзувчи»ни икки ҳафта ичида топишди. Суд унинг ижодини миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузиш деб баҳолади ва 4 минг сўм жарима солди. Қрим татар миллатига мансуб бир неча оилага нисбатан безорилик ҳаракатларини содир этгани учун Фарғона вилоят суди Умурзоқовни уч йил озодликдан маҳрум қилди.

Лекин, менимча бу муаммони жазо бериш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу «ҳамма баравар ёпишадиган» соҳадир. Шубҳасиз, вазиятни беқарорлаштиришда айбдор бўлган ҳар бир киши қидириб топилади ва жазоланади, аммо орамизда шундай кишиларнинг пайдо бўлаётганлиги уларнинг теварагидаги одамлар фуқаролик позицияси етарли даражада мустаҳкам эмаслигини кўрсатади. Фалажликдан қутуладиган пайт келди: биз ўз хонадонимизнинг эгасимиз. Бинобарин, хонадонимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашимиз керак.

Биз республикамиз муаммоларини ҳал этишни кўзлаб яшаяпмиз, уларни халқ билан биргаликда ҳал қиляпмиз. Бироқ, ҳозирги вақтда мутлақо янги ҳуқуқий меъёрий негизни, биринчи навбатда — Миллий хавфсизлик бошқармаси тўғрисидаги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни энг аоссий вазифа деб биламан. Ишончим комилки, аниқ ва равшан қонун хавфсизлик идораларининг фаолиятини ҳар қандай сиёсий ўйинлардан ҳимоя қилади, унинг ходимларига ўз халқига эртанги кунга ишонч билан хизмат қилиш имконини беради.

ИНСОН ВА ҚОНУН

Гуноҳсиз пок одамларга ноҳақ бўҳтон қилувчилар, мазкурларнинг ҳаммасига Тангрининг ғазаби ёғилур.

ҲАДИСЛАРДАН.

Мустақиллик шабадаси кўксимизга теккан бир пайтда она Ўзбекистон учун ҳалол ишбилармон, тадбиркор кадрлар ҳаводек зарур. Зеро, «Кадрлар — ҳал қилувчи куч» деган ибора ўз кучида. Лекин айрим шахсларнинг шундай ишбилармон кишиларга нисбатан беҳуда тош отишлари инсофданмикан? Оқибатда ҳуда-беҳудага текширувлар натижасида кишилар ноҳақ азоб чекиб, қимматли вақтини йўқотаётганига ачинасан.

БУНДАН қарийб бир ярим йил муқаддам Сариосиё туманидаги «Узун» паррандачилик фабрикасида миш-мишлар тарқалди. «Ҳа, нима дейсан, тухумлар қаёқ қадир ғойиб бўлаётганмиш... Жўжалар ориқ-тириқ эмиш, Семизи қани?..».

Аслида бу гаплар Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Сурхондарё парранда-гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Султонмурод Авазовга қарши отилаётган тошлар экан. Хўш, нега энди туппа-тузук ишлаб турган, хўжаликни юксалтиришга интилаётган директорнинг тагига сув қуйиш керак бўлиб қолди? Саволга аниқроқ жавоб топмоқ учун «Узптицепром» бирлашмасига қарашли «Чимён» бирлашмаси тафтишчиси Жўрабой Қўчқоровдан эшитайлик.

«Мен паррандачилик соҳасида тафтишчи бўлиб ишлаётганимга беш йил бўлди, — деб ёзади у текширув ишлари юзасидан битилган ўз хулосасида. — Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги қатор фабрикаларда ҳужжатли ва комплекс тафтишлар ўтказганман. Шунинг учун ўз тажрибам ва кўргазмаларимга асосланиб айтмоқчиманки, «Узун» паррандачилик фабрикасида ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолиятини бошқа хўжаликлар билан таққослаганда ҳеч қачон ёмон деб бўлмайди. Хўжалик жумҳуриятда ўртадан юқори ҳолда ишлаган. Султонмурод Авазов директорлик қилган даврни оладиган бўлсак, текшириш давомида нисбатан ишни яхши ташкил қилганлиги маълум бўлди. Мен хўжаликда 1991 йил 14 октябрдан 1991 йил 25 ноябргача текширувда бўлиб, жуда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлдим. Жумладан, кичик бир гуруҳ шахслар томонидан қалбаки уюштирилган шикоятбозлик жамоада носоғлом вазиятни вужудга келтирган ва ғайритабиий, ғайриқонуний жанжалларга олиб келган.

Мақсад: ҳалол ишлаб турган директор С. Авазовни ишдан бўшатиб, ўрнини эгаллаш ёки бошқасини тайинлатиш бўлган».

Шу тариқа шикоятчилар «Узптицепром» бирлашмаси раиси номига шикоят йўллайдилар. С. Авазовни судра-судра бошланади. Текширтекшир, чақир-чақир... Қани энди ишлаб бўлса...

Ў. таҳririятга бир ҳолатда кириб келди. Уйқусизликдан киртайган кўзлари, тушкунликдан сўлғин юзлари унинг изтиробини, ичидаги ўз-ўзи билан олишув туғёнининг юзига тепганидан далолат берарди.

— Менга адолат қилинглар, адолат излаб келдим, — деди у базўр. — Мен Халқ демократик партияси аъзосиман. Қаерда ишламай, менинг мафкурам ҳалоллик, тўғрилик ва эзгулик бўлади. Менинг ҳақ-ҳуқуқларим ва инсоний қадриятимни тиклашга ёрдам беришингизни сўрайман...

Йигит кишини туҳмат балосидан асрасин экан, Арзчилар республика паррандачилик саноат бирлашмасининг раиси И. Худойқуловнинг ҳам фикрини чалғитдилар. Шикоят аризани текшириш ва тафтиш ўтказишга буйруқ берилди. «Узптицепром» бирлашмаси тафтишчилари томонидан ўтказилган бир неча бор текширув натижаларига кўра менга бирор айб қўйилган эмас...

Биз прокуратура фикри билан қизиқдик. Сариосиё тумани прокурори З. Худойқуловнинг ёзма равишда маълум қилишича, Ж. Қўчқоров айтганидек фактлар тасдиқланмаган. Аммо шунга қарамай адолатсизлик рўй берган. «Узптицепром» бирлашмаси раҳбарлари ҳақиқатнинг тагига етмай, масаланинг туб моҳиятини ўрганмай, фабрика жамоаси, унинг «айбдор» раҳбари билан тафтиш ва текширув якунлари бўйича суҳбатлашмай, бирлашма директорлари кенгаши ва раёсатида бу масалани чуқур муҳокама қилмай С. Авазовни 1991 йил 26 ноябрда асоссиз равишда ишдан четлаштирган ва 1991 йил 30 декабрда 479-пр буйруқ билан вазифасидан бўшатганлар.

Шундан сўнг С. Авазов «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» дегандаридек, «Узптицепром» жойлашган Тошкент шаҳар Ленин (ҳозирги Миробод) районидаги судига мурожаат қилади. Суд Сурхондарё вилоят прокуратурасига сўров хати йўллайди. Мана унга жавоб:

«Тергов ҳаракатлари олиб борилаётган «Узун» паррандачилик фабрикасининг айрим мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига тегишли жиноят иши бўйича «Узптицепром» тафтишчиси томонидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш натижаларига кўра, паррандачилик фабрикасининг собиқ директори С. Авазовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланмаган.

Шунингдек, Қудрат Худойбердиев томонидан Султонмурод Авазов билан бўлган ўзаро суҳбат ёзиб олинган магнит лентаси бўйича ҳам тегишли тергов ҳаракатлари олиб борилганда С. Авазовнинг ҳаттиҳаракатларида жиноят таркиби аниқланмади.

Сурхондарё вилоят прокуратурасининг бош терговчиси, 2-тоифали ҳуқуқшунос Т. БОЙМИРЗАЕВ (имзо).

Миробод район суди ҳам ушбу масалани ўрганиб чиқаб, шундай қарорга келди:

«Султонмурод Авазовнинг «Узптицепром» бирлашмасига ишга тиклаш ва мажбурий прогули учун иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги даъвоси қаноатлантирилсин.

С. Авазов Сурхондарё паррандачилик саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори вазифасига тиклансин.

Охирги мажбурий уч ой прогули учун «Узптицепром» бирлашмаси С. Авазов фойдасига 1500 сўм иш ҳақи тўласин...».

СУД ҲАЙЪАТИ.

Бу билан суд «Узптицепром» бирлашмасининг 1991 йил 30 декабрдаги буйруғини бекор қилди. Аммо С. Авазовнинг адвокати Ҳ. Мажидовнинг таъкидлашича, «Узптицепром» бирлашмаси маъмурияти бу масалада ҳамон Ўзбекистон Меҳнат қонунларининг 244 ва 245-моддаларини қўпол равишда бузиб келмоқда.

Дарвоқе, С. Авазов Сурхондарё вилояти Кенгаши ва қишлоқ Кенгаши депутатидир. Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги амал қилиб турган қонуннинг 40-моддасида: **«Ўзбекистон Республикасида халқ депутати ўз ваколатлари даврида Советнинг, сессиялар оралиғида эса унинг раёсатининг розилигини олдиндан олмасдан туриб, маъмуриятнинг ташаббуси билан корхона, муассаса ёки ташкилотдаги ишидан бўшатилиши, колхоздан, бошқа кооперативдан, ўқув юртидан чиқарилиши ёки интизомий жазо тариқасида кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилиши мумкин эмас» дейилган.**

Бу вилоят Кенгаши ва қишлоқ Кенгаши депутати бўлган С. Авазовга ҳам таллуқлидир. Шу боис «Ленинград» Кишлоқ кенгаши ижроия қўмитасининг **«С. Авазовни қонунга хилоф равишда ишдан олинган деб ҳисоблансин»**, деган қарорига қўшилмай бўлмайди. Наҳотки, «Узптицепром» бирлашмаси раиси И. Худойқулов ўзи Ўзбекистон халқ депутати бўла туриб, бунга амал қилмаса?!.

Ҳозирги иқтисодий танглик пайтида айниқса, гўшт маҳсулотлари етишмай, нархи осмону фалакка чиққан, тухум ҳам тақчил бўлиб турган бир пайтда иложи борича халқнинг эҳтиёжини ўйлаш керак. Айни шундай пайтда ҳалол ишлаётган кадрларни авайлаб-асраш ҳар бир раҳбарнинг бурчи эмасми?

Албатта, ишга ҳалақит берувчи айрим кадрлар ҳам топилади. Биз яхши кадрларни улардан ажрата билишимиз лозим.

Олтин лойга кўмилади, лекин у айнимайди. Ҳақиқатан ҳам шундай. У эгилади, букилади, аммо синмайди. С. Авазовга бўлган туҳмат ҳам худди совун кўпигига ўхшайди. Ушбу мақола чоп этилаётган пайтда Миробод район халқ суди мазкур иш юзасидан ўз ажримини чиқарди. Унда таъкидланишича, суд қарорини бажаришдан бош тортганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноий кодексининг 157-моддаси 4-банди билан бирлашма раисига нисбатан жиноий иш қўзғатилган...

Мен эса бу мақолага одил тафтишчи Ж. Қўчқоровнинг сўзлари билан нуқта қўймоқчиман: — **С. Авазов хўжаликка 6—7 ой раҳбарлик қилган. Одатда раҳбарнинг ишига 3—5 йил учун баҳо берилади. Аминманки, Авазовга ишлаш учун имконият берилса, иш натижалари янада самарали бўлади».**

АДОЛАТ ИЗМИ

● Нима ҳам дердик. Ҳақ гап. Қонун — олий ҳақиқат. У резинадек чўзилиши мумкин. Лекин охирида палахмондек отилади. Ўйлаймизки, «Узптицепром» бирлашмаси раҳбарияти бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олади, адолат измига юради, адоват эмас, адолат қарор топишига кўмаклашади.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

• ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ ИЗИДАН

УЮШМА ВАЗИФАЛАРИ

ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТИ ИДОРАВИЙ ТУЗИЛМАЛАРДАН ЯГОНА КОМПЛЕКС САРИ!

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти Тошкентда йўловчи ташишни бошқаришни такомиллаштириш ҳақида Фармон қабул қилди. Мавжуд тузилмаларни тубдан ўзгартириш, уларнинг негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат йўловчи ташиш корхоналари уюшмаси — «Ташгорпасстранс»ни ташкил этиш кўзда тутилади.

Хўш, уюшма олдида қандай вазифалар турибди? Бундай қайта ташкил этишдан тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари қандай наф кўришади? ЎзА мухбирининг шу саволларига «Ташгорпасстранс» раиси, Ўзбекистон Республикасининг халқ нойби Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ қуйидаги жавобни қайтарди:

— Бу муҳим ҳужжатда таъкидланганидек, уюшмамиз олдида бир қанча жуда муҳим вазифалар турибди. Йўловчи ташийдиган транспорт барча турларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, йўловчиларга хизмат қилиш сифатини доимо ошириб бориш, Ўзбекистон пойтахти автомобиль, электр транспорти ва метроси фаолиятини мувофиқлаштириб туриш шу вазифалар жумласига киради. Биз ҳокимият билан биргаликда йўловчи ташийдиган транспортни янада ривожлантириш чоратадбирларини ишлаб чиқишимиз, тармоқда ягона техника сиёсати юритилишини таъминлашимиз лозим. Шундай қилмай туриб, мустақил Ўзбекистоннинг тез ўсиб бораётган пойтахти самарали ривожлана олмайди. Чунки, олимларнинг мўлжалларига қараганда, 2010 йилга бориб Тошкент аҳолиси 3 миллион кишига етади.

Шу пайтга қадар Тошкентдаги транспортни бир неча қудратли монополист: Темир йўллар вазирлиги, Автомобиль транспорти вазирлиги, Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлиги... бошқарар эди. Уларнинг ҳар бири ўз манфаатларини кўзлаб иш тутганлиги равшан. Бундан фақат йўловчилар қийналишар эди. Бу нарса бошбошдоқликка олиб борар эди. Масалан, ер остидан метро йўли ўтган бир пайтда унинг тепасидан автобус ва троллейбуслар қатнаб турган ҳолларни кўплаб учратиш мумкин. Янги мавзеларда яшаб турган кишилар эса соатлаб автобус кутиб қолар эди. Шу сабабли кучли мувофиқлаштирувчи идоранинг тузилиши, транспортни ягона бошқарув тизимига бирлаштириш қатнов воситаларини кун соатларига қараб маршрутларга бириктириб қўйиш, бўшатиб олинган воситалардан эса ҳақиқатан ҳам зарур жойларда оқилона фойдаланиш имконини беради.

— **Уюшма бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ишлайдиган бўлади. Мақомнинг бу қадар юксак қилиб белгиланиши рўй берадиган муаммоларни тезроқ ҳал этиш имконини берса керак?**

— Албатта. Энг муҳими шуки, энди йўловчи ташийдиган шаҳар транспорти ягона манба — Давлат бюджетидан маблағ оладиган бўлди. Шу муносабат билан республика пойтахтида шаҳар транспортининг барча турларига бир хил ҳақ тўлаш жорий этилади. Бу эса нарх-навонинг бошбошдоқлиги, кўпдан-кўп абонементлар, турли-туман таллонлар гирдобида ўралашиб қолган йўловчилар турмушини осонлаштириши шубҳасиз.

Муаммолар ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам жуда кўп муаммолар йиғилиб қолган. Бир неча рақамни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир бир йўловчининг автобусда юриш таннархи 1 сўм 78 тийинни ташкил этади. Бунда янги машиналар сотиб олиш ҳақи ҳисобга киритилмаган. Янги машиналар ва эҳтиёт қисмлар, резина нархлари эса бензин каби ҳаддан ташқари ошиб кетган. Масалан, яқиндагина биз «ЛАЗ» маркали автобусни 16 минг сўмга олар эдик. Энди эса бу машина бир миллион 300 минг сўм туради. Шаҳар такси паркига юборилаётган «Волга»ларнинг ҳар бири 1 миллион 200 минг сўмга тушмоқда. Илгари улар 26 минг сўм турар эди. Фарқ нақадар катталигини кўриб турибсиз. Хуллас, тўрт ой ичида автобуслар бўйича 67 миллион сўм зарар кўрилди. Хўш, бунинг ўрнини нима билан тўлдириб бўлади?

Шуни ҳисобга олиб, республика ҳукумати ҳозир Тошкент учун 275 та автобус сотиб олиш масаласини кўриб чиқмоқда. Унга камида 200 миллион сўм керак бўлади.

— **Яхши, аммо автобуслар экология жиҳатидан соф транспорт тури эмас. Унинг бошқа турлари ҳам ривож топадими?**

— Албатта, айниқса, электр транспорти ривож топади. Метрополитен йўлларини узайтирамиз, янги трамвай-троллейбус маршрутлари очамиз. Аммо бунинг учун кўп маблағ керак бўлади. Метрополитенни шай ҳолатда сақлаш, турли-туман тузатиш ишларини бажариш учун ҳам кўпгина капитал маблағ зарур.

— **Равшан ака, Тошкент қурилишлари энди айланма йўл ташқарисига ўта бошлади. Одамлар эса баъзан ишга етиб олиш учун соатлаб транспорт кутиб қолишмоқда, Жамоат транспорти узлуксиз ишлаши ҳақидаги талаблар жуда ўринли. Бироқ бу, чамаси, собиқ Иттифоқдаги барча катта шаҳарлардаги иллат кўринади...**

— Шу боисдан ҳам шаҳар транспорти ишини тубдан ўзгартириш учун Президентнинг Фармони қабул қилинди. Аммо бошқа муаммога — транспорт ходимларининг ўз муаммоларига ҳам эътиборни қаратмоқчиман. Уларнинг турмуши бошқа тошкентликларнинг турмушидан яхши бўлиш у ёқда турсин, балки кўп жиҳатдан анча ёмон. Маош кам, тунда ва эрта тонгда ишлашга тўғри келади, машиналар эскириб кетган... Бошқа касбларнинг намояндалари каби шофёрлар ва ремонтчилар ҳам ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши керак. Бу соҳада ҳозир кўп иш қилинмоқда. Шу ойдан бошлаб автобуслар, трамвай ва троллейбусларнинг ҳайдовчилари маоши оширилади. Уларнинг меҳнатини ташкил этишда ҳам кўп ўзгариш қилиниши керак. Тармоқ меҳнатчилари ишга яқин жойдан уйжой билан таъминланадиган бўлишларига интиламиз.

Вазифалар кўп. Уларнинг ҳал этилишини пайсалга солишга ҳаққимиз йўқ.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ НИШОНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
даволаш ва педиатрия факультетларининг I курсига
1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Олий билимгоҳда ўқиш фақат кундузги бўлимда олиб борилади. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ўтказилади. Ўқишга кирувчилар ариза билан бирга ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусҳаси), 086/У нусҳадаги тиббиёт маълумотномасини, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар учун), 3х4 см. ўлчамдаги 6 дона фотосурат топширадилар. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Қирувчилар қуйидаги фанлардан танловли кириш имтиҳонлари топширадилар: кимёдан (ёзма), биологиядан (ёзма), она тили ва адабиётидан (диктант). Имтиҳонлар ўзбек ва рус ҳамда тожик тилларида ўтказилади. Ўрта мактабни Ўзбекистон Республикаси халқларининг бошқа тилларида битирувчилар рус ёки ўзбек тилларида диктант ёзадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта тиббиёт билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар битта фан — кимёдан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Биринчи имтиҳонни аъло баҳога топширган абитуриентлар бошқа ижобий баҳо (уч ёки тўрт)га топширсалар, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади. Ўқишга кирувчилар кириш имтиҳонларида олган баллар миқдори бўйича ўтказиладиган умумий танлов асосида қабул қилинадилар. Талабалар сафига қабул қилиш 22 августгача ўтказилади.

Қабул комиссияси абитуриентларга, корхоналар, ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжалиги раҳбарларига шуни маълум қиладики, олий билимгоҳимиз 1992—1993 ўқув йили учун 1 курсга талабаларни шартномасиз ва шартнома асосида қабул қилади.

Қабул комиссияси ўз фаолиятини «1992 йил Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари»га мувофиқ амалга оширади.

Манзилгоҳимиз: 703000, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18. Қабул комиссияси.

ҲУРМАТЛИ ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРУВЧИ ЁШЛАР!
Ўзбекистон Республикасидаги ягона янги турдаги
ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИ
1992—1993 ўқув йилига
Кундузги ва сиртқи бўлимга
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Коллежда қуйидаги мутахассислар тайёрланади.

1. Мураккаб маиший радиоэлектрон аппаратлар ва видео-техникаларни таъмирлаш ва созлаш (кундузги бўлимга 11-синфни битирганлар учун).
2. Телевизион техника ва радиореле алоқаси (кундузги бўлим, 11-синф).
3. Район электр алоқаси ва радиолаштириш (кундузги бўлим, 9, 11-синф).
4. Автоматик электр алоқаси (кундузги бўлимга, 9 ва 11-синф, сиртқи бўлимга 11-синф).
5. Кўптармоқли электр алоқаси (сиртқи бўлимга, 11-синф).
6. Кўптармоқли алоқа кабель иншоотлари (кундузги бўлимга, 11-синф).
7. Почта алоқаси (кундузги ва сиртқи бўлимга, 11-синфни битирганлар). Почта алоқаси кичик мухандислари (кундузги бўлимга 11-синф).
8. Бухгалтерлик ҳисоби (кундузги ва сиртқи бўлимларга, 11-синф). Йигитлар коллежни тугатгунча Армия хизматига чақирилмайдилар. Коллежга кириш қоидалари умумий асосда олиб борилади. Қуйидаги ҳужжатлар топширилади.

1. Ариза.
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат.
3. Тиббий маълумотнома.
4. Сурат — 6 та (3×4).
5. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ишлайдиганлар учун.
6. Корхонадан йўлланма.
7. Шартнома (Бошқа Республикада яшайдиганлар учун).

Кириш имтиҳонлари 1992 йил 15 июлдан 18 августгача олиб борилади. Ҳужжатлар кундузги бўлимга 15 августгача (сиртқи бўлимга 10 августгача) қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — математика (оғзаки). Она тилидан (диктант).

Манзилгоҳимиз: 700128, У. Юсупов кўчаси, 70-уй.

Трамвайлар: 10, 23, 27 ва 18, 44, 48, 97-автобусларнинг алоқа коллежи бекати.

Маълумотлар учун телефонлар: 41-35-58, 41-35-68.

ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИ 19, 20 ИЮНДА ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

10 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмасининг таъсис конференцияси бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлигини Ўзбекистон Давлат акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмасига айлантириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Шу масала юзасидан савдо вазири, «Ўзбексавдо» уюшмаси ташкилий кенгашининг раиси М. Усмоновнинг ахбороти тингланди.

Сўнгра уюшманинг устави қабул қилинди. Уюшма раиси, кенгаши ва бошқарувининг аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси сайланди. М. Усмонов «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмасининг раиси бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко нутқ сўзлади.

(ЎзА).

БИККС

АРЗОН БАҲО ЭВАЗИГА ЕВРОПАЧА СИФАТ!

"БИККС" АССОЦИАЦИЯСИ БЕЛЬГИЯНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФИРМАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН РАНГ-БАРАНГ ГИЛАМСИМОН ҚОПЛАМАЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ. УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА САВДО ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ. КЎП МИҚДОРДАГИ ТУРКУМЛАР САВДОСИДА ЕНГИЛЛИК БЕРИЛАДИ.

Манзилимиз: 7000146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча, "Алина" кичик жорий этиш корхонаси.
Телефонлар: 90-94-85, 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.
109088, Москва шаҳри, Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси,"Союзпечать" дўкони.
Телефонлар: 447-37-20, 283-32-42, 942-23-28, 181-65-30.

"САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

Янгиликлар,

ХАЛҚАРО АНЖУМАНГА ТАЙЕРГАРЛИК

● Шу йилнинг кузида ЮНЕСКО мустақил ва кўп фикрли оммавий ахборот воситалари ривожига кўмаклашиш бўйича анжуман ўтказишни мўлжалламоқда. Мулоқот Қозоғистон пойтахти — Олмаота шаҳрида бўлиши кутилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур ихтисослаштирилган ташкилоти делегацияси Олмаотага келди. Унга ташкилот алоқа бўлими директори Алан Хэннок бошчилик қилаётир. Меҳмонлар Қозоғистон Республикаси Олий Кенгашида ва Ташқи ишлар вазирлигида бўлишди.

Бўлажак анжуманнинг мақсад ва вазифалари ҳақида А. Хэннок сўзлаб берди. Олмаотадаги мулоқотда Осиёдаги кўпчилик давлатлар вакиллари иштирок этиши кутилаётир.

АНИҚ-РАВШАН ТАВСИЯЛАР

● Сиэтл шаҳри қишлоқ хўжалигини ривожлантириш институти мутахассислари Бишкекда бўлишди.

Американлик олимлар Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан суҳбатлашдилар. Суҳбатда республика деҳқончилигини қайтадан ташкил этишга оид аниқ-равшан тавсиялар баён этилди. Америка олимларининг ташрифи ўн кун давом этди. Ер ислоҳатини амалга ошириш туфайли Қирғизистон яқин йилларда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириши мумкин бўлади. Бунинг учун ерни хусусий мулкка айлантириш, ернинг бозор фондини вужудга келтириш лозим. Янгича ишлаш албатта ўз самарасини беради, учрашув қатнашчиларининг фикрлари шундай бўлди.

ОЛТИ СОАТЛИК МУЛОҚОТ

● Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев билан АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер ўзаро суҳбатлашдилар.

Ташқи ишлар маҳкамалари бошлиқлари мулоқоти олти соатдан ошиқ давом этди. Россия ва АҚШ президентларининг олий даражадаги учрашувга тайёргарлик мулоқотнинг бош мавзуси бўлди. Стратегик қуролларни қисқартириш масаласи ҳам тилга олинди.

хабарлар,

БАЛКИ, ВАТАНИГА ҚАЙТАР...

● ГДРнинг собиқ раҳбари Эрих Хонеккернинг иши бўйича Чили ҳукуматининг махсус вакили Хольгер Блайер шу йилнинг июнь ойи охирларида ёки июль ойининг бошларида Москвада ўз мамлакатининг янги элчиси бўлади.

Берлинда чиқадиган «Зупер» рўзномасига асосланиб шу хабар тарқатилди.

Янги элчи ўз фаолиятининг дастлабки қадамини Э. Хонеккер тақдири билан бошламоқчи. Собиқ раҳбарнинг балки ўз ватанига, Германияга қайтиши кутилмоқда.

ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

● Ироқ ҳукумати гўё Сурия Араб жумҳурияти ҳудудидан ўтган нефть қувури орқали Ироқ нефти ташилишига рухсат олиш мақсадида Сурия билан алоқани тиклаш йўлларини эзғ бериб изламоқда, деган хабарни Бағдод рад этди.

«Ал Вафд» рўзномасининг ёзишича, Ироқ нефть вазири Усама ал Хити бу ахборот «ёлғон ва мутлақо асоссиз» деган.

шарҳлар,

БИРЛАШМА МАҚСАДИ

Жазоир Олий Давлат Кенгашининг Раиси Муҳаммад Будиаф Жазоир телевидениеси орқали гапирди. Ў «Миллий бирлашма» тузишга даъват қилган. Бирлашманинг асосий мақсади мамлакатда туб сиёсий ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат бўлади.

Ташкилотнинг дастури лойиҳаси тарқатилди. Ҳужжатнинг моҳиятини шундай таърифлашмоқда: «Жазоир ҳамма нарсадан устун туради». «Миллий бирлашма» партия эмас, балки ташкилот бўлиб унга Олий Давлат Кенгашининг давлат нуфузини тиклашга қаратилган ҳаракатлари, шунингдек давлат муассасалари фаолиятини таъминлаш чораларини ва Жазоир тараққиёти манфаатлари йўли хилма-хил фикрларга асосланган демократияни қўллаб-қувватловчи фуқаролар киради.

МАЪЛУМОТНОМА ХУЛОСАСИ

АҚШдаги Жорж Таун дорилфунуни ҳузуридаги дипломатия институти ўз маълумотномасини эълон қилди.

Хулосалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг муаммолари билан шуғулланувчи Америка мутахассислари, маъмурият вакиллари, ишбилармон ва журналистларнинг ишлари натижасида чиқарилган.

Мутахассисларнинг фикрлари шундай: «Янги мустақил давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан яшашга лаёқатлилиги, уларда барқарорликни таъминлаш, демократия муассасаларини барпо этиш АҚШ манфаатлари учун катта аҳамиятга моликдир».

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

НОГИНСК (МОСКВА ВИЛОЯТИ) ЁНИЛҒИ НАСОСЛАРИ ЗАВОДИНИНГ

Қўқон таъмирлаш-саноат корхонаси УТН—5, 4УТНМ ёнилғи насосларини (Д—50, Д—240, Д—144, Д—65Н двигателларига) ва Д—144 двигатели форсункасини қафолатли капитал таъмирламоқда ва Сизларга 1992 йил учун шартномалар тузишни таклиф этади. Насос ва форсункалар олиб келинган куни алмаштириб берилади.

Бизнинг манзилгоҳ: —713253, Фарғона вилояти, Данғара райони НЗТАнинг Қўқон филиали.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ РАҲБАРЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«Технология» хўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот лабораторияси шартнома баҳоларида қуйидаги техника буюмларни сотади:

— ЛИС—3А маркали сомон майдалаш линияси;
— ИКСХ—1 маркали ғўзапоя ва ем-хашакни майдалаш учун мослама комплектлари;
— ИСК—3А маркали майдалагич ва аралаштиргич;

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 706800, Навоий шаҳри, Жануб кўчаси, 27-уй. «Технология» хўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот лабораторияси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 6-47-72, 4-81-25.

КЎП ТАРМОҚЛИ «ЗАФАР» КОРХОНАСИ

сув босимини созлаб берадиган (водонапорная) минорани пул ўтказиш йўли билан чекланмаган миқдорда сотади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 16-уй.
Телефонлар: 33-92-81, 33-62-65.

КОРХОНА НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН КЕЛИШИЛГАН НАРХДА КЕРАМЗИТ ШАҒАЛИНИ

С О Т А Д И

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ЧИНОЗ РАЙОНИ, ПАХТА ҚИШЛОҒИ, КЕРАМЗИТ ШАҒАЛИ ЗАВОДИ.
ТОШКЕНТДАГИ ТЕЛЕФОН: 50-99-73 (СОАТ 9-00 ДАН 17-00 ГАЧА).

КОЛЛЕЖ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Самарқанд кооператив техникуми негизида олий тажриба тижорат илмгоҳи — КОЛЛЕЖ ташкил этилди. Унинг асосий мақсади ўрта поғонада юқори малакали мутахассислар — савдо ва умумий овқатланиш, давлат савдоси ва бошқа корхоналар учун босқичма-босқич тожир (коммерсант)лар тайёрлашдан иборат.

Таълимнинг II босқичли тизимида тўлиқ ўрта маълумотли, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрлаш қуйидагича амалга оширилади:

савдо тижорати фаолиятини ташкил этиш:
— умумий овқатланиш тижорати фаолиятини ташкил этиш.

I босқичда — оммавий касблар мутахассислари, III, II тоифали сотувчилар ва III, IV даражали ошпазлар тайёрланади, (ўқиш муддати — 10 ой).

II босқичда тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрланади:
а) савдо тожири-комерсанти (ўқиш муддати 1 йилу 10 ой).
б) умумий овқатланиш тожири-коммерсанти (ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой).

Ўқувчиларни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтказиш қуйидагича аниқланади:
— II босқичга ўқув йили давомида барча фанлардан «яхши» ва «аъло» баҳолар олган, гуруҳ раҳбари ва ўқитувчилар кенгаши тавсия этган ўқувчилар ўтказилади.

Коллежни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан битирувчилар Давлат ихтисос комиссияси, коллеж кенгаш тавсияси билан ўзи тугатган ихтисос ёки шунга яқин бўлган мутахассислик бўйича суҳбатдан ўтгандан сўнг қисқартирилган муддатда Самарқанд кооператив олийгоҳида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эгадир.

Тегишли босқич ўқув режаси ва дастурларидаги барча талабларни бажарган ўқувчиларга Давлат ихтисос комиссиясининг имтиҳон якунларига биноан «Савдо тожири коммерсанти» ва «Умумий овқатланиш тожири-коммерсанти» ихтисоси ёзилган диплом намунаси берилади.

Кундузги бўлим талабаларига ўқувчилик нафақаси (стипендия) тўланади ва ётоқхона берилади.

Ҳужжатлар қабул қилиш кундузги бўлимга 1992 йил 1 июндан 30 июлгача, сиртқи бўлим бўйича 3 майдан 30 июлгача давом этади.

Коллежга кирувчиларга қуйидаги ҳужжатларни топшириш тавсия этилади:
1. Ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (аттестат)нинг асл нусхаси.
2. 4 дона 3×4 ҳажмда сурат.
3. Тиббий маълумотнома — Ф-086 шакли.
4. Вилоят матлубот жамиятидан йўлланма.
5. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (олдин ишлаганлар учун)

Бошпирт (паспорт)и, ҳарбий чипта ёки гувоҳномаси ўзи билан бўлиши зарур.

Сиртқи бўлимга кирувчилар юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари танлаган мутахассислиги бўйича меҳнат дафтарчасидан кўчирма келтиришлари (меҳнат дафарчаси ўзи билан бўлиши) шарт.

Буюртмачи ҳисобидан ўқишни хоҳловчилар (Ўзбекбирлашув жамиятидан ташқари) ўқишга юборувчи ташкилот ва корхоналарнинг кафолат хатлари ҳамда шартномаларини олиб келишлари зарур.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 703027. Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 43-уй.

Телефонлар: 24-19-98, 24-23-02. Қабул комиссияси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Жиноят процесси» кафедрасининг доценти М. Маҳбубовга отаси

Маҳбуб ИСРОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ойномаси жамоаси таҳририят ходими М. Сайфиевга онаси

Ҳикмат БУРҲОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи жамоаси, олий билимгоҳ Кутубхонашунослик кулliёти ҳамда Ўзбекистон тарихи кафедраси жамоаси сиртқи бўлим декани, доцент Х. Ф. Файзиевга онаси

ҲИЛОЙ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳайитингиз муборак!

1.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм, Алҳамдулиллоҳ вассалоту вассалому аъло Расululлоҳ, аммо бад.

МАНА, бугун мусулмонларнинг икки улуғ байрамларидан бири бўлмиш Қурбон ҳайити куни. Аввало, барчаларингизни шу муборак кун билан чин қалбимдан табриклайман ва фурсатдан фойдаланиб, бу куннинг тарихи ва унда қилинадиган ишлар ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман.

ҚУТЛУҒ КУН

ХОЖИ МУҲАММАДЛАТИФ ЖУМАН ОЛИМ ЎҒЛИ,
Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси диний таълим ишлари раиси.

Қурбон ҳайити ҳар йили Зулҳижжа ойининг ўнинчи кунида нишонланади. Бу кунда бутун оламдан мусулмонлар Маккаи Мукаррамадаги хонаи Каъба зиёратига тўпланишади ва у ерда Арофат тоғларига чиқиб, Сафо ва Марва ўртасида сай қилишади. Ҳамда Аллоҳнинг йўлига атаган жонлиқларини Мино воҳаларида қурбон қилишади. Мана шу амалларга иқтидоан ўз юртларида қолган барча мусулмонлар шу куни ҳайит намози ўқишади, Аллоҳ йўлига қурбонлик сўйишади, бир-бирларини зиёрат этиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, яхши тилаклар билдиришади.

Бу амаллар аслида бизларга Иброҳим алайҳиссалом даврларидан қолган вожиб амалдир. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг дўсти деган унвонга сазовор бўлганлар. У киши ўз ҳаётлари даврида Аллоҳ тарафидан бўлган барча синовлардан муваффақиятли ўтганлар. Шундай синовлардан бири — у кишининг севимли ўғилларидан бири бўлмиш Исмоил аллайҳиссалом Аллоҳ йўлида қурбонлик қилишга буюрилган буйруқ бўлди. Иброҳим алайҳиссалом бу буйруқни Аллоҳ томонидан эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг ҳеч иккиланмай, бунга рози бўладилар ва белгиланган кун келганда ўғилларини айтилган жойга олиб чиқиб, қўл-оёқларини боғлаб, бўйинларига пичоқ тортадилар.

Лекин шунда ажойиб мўъжиза юз беради. Пичоқ томоққа ўтмайди. Шундан сўнг Иброҳим алайҳиссалом ҳам ҳайратланиб, ва ҳам ғазабланиб, пичоқни ёнларида турган катта тошга урадилар. Пичоқ тошни иккига бўлиб ташлайди. Буни кўриб яна ҳайратланадилар ва: «Эй пичоқ, нега тошни кесасан-у, одамни кесмайсан», деб ҳитоб қиладилар. Шунда пичоқдан товуш чиқиб «Аллоҳ кесма, деса, мен қандай кесаман», дейди. Улар шу алфозда туришганда осмонда Аллоҳ таоло кўкимтир қора, шохдор қўчқор юборади ва Иброҳим аллайҳиссаломга: «Эй Иброҳим, сен ваъдангда рост турдинг, ўғлингни ўрнига мана бу қўчқорни қурбонлик қилгил, мен унинг эвазига сенга ўғлингни қурбонлик қилган савобини бераман»,— деди.

Шу воқеадан бери биз, умматларга ҳам Аллоҳ йўлига ҳар йили бир марта қурбонлик кунлари жонлиқ сўйиш вожиб бўлган. Кимки бу ишга қодир бўлиб, уни бажарса у ҳам Аллоҳнинг ҳузурида улкан савобларга эга бўлади. Қурбонлик қилинган жонлиқнинг гўштини ўзига тўқ оила бўлса, бир қисмини маҳалла-кўйга пишириб бериб, бир қисмини эса ўз оиласи билан баҳам кўрса мақсадга мувофиқ бўлади. Агар оиласи катта бўлса, уни ўз оиласи билан тановвул қилса ҳам бўлади. Қурбонлик асли вожиблиги сўйишлиқдир.

Бундан ташқари қурбонлик куни қариндошуруғларни, ҳусусан, ота-оналарни зиёрат қилиш ҳам савобли амаллардан биридир. Камбағаллар, бева-бечоралар ҳамда етим-есирларга бу куни қилинадиган мурувватлар ҳам бошқа кунлардагидан алоҳида ўрин тутади ва савоби бир неча баробар ортади. Чунки, пайғамбаримиз ўзларининг муборак Ҳадисларидан бирида айтганларидек, Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунлигида қилинадиган ҳар қандай яхши амал бошқа кунлардаги амаллардан савоби бир неча ҳисса кўпдир.

БУ ЙИЛГИ Қурбон ҳайити байрами жумҳуриятимизнинг барча мусулмонлари учун алоҳида ўрин тутади. Зеро, мусулмонларимиз кундан-кунга қўпроқ диний эркинликларни қўлга киритмоқдалар. Бунга мисол қилиб масжидлар сонининг кейинги бир йил ичида 2—3 марта ошганлигини айтиш мумкин. Бундан ташқари диний мадрасаларимиз сони ҳам кўпаймоқда.

Қурбон ҳайити билан боғлиқ бўлган энг қувончли воқеалардан яна бири — бу йил жумҳуриятимиздан уч мингдан ортиқ киши муборак Ҳаж армонларини адо этмоқдалар. Булар ҳаммаси биз, мусулмонлар учун катта илтифот ва қувончли воқеалардир. Булар учун Аллоҳга шукроналар айтишимиз, қолаверса, жонажон жумҳуриятимиз мустақиллигининг янада мустаҳкамланишини Аллоҳдан сўраймиз ва биз, мусулмонларнинг ишларига ҳайриҳоҳ бўлган ҳукуматнинг барча масъулларига миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Жумҳуриятимизнинг ва бутун мусулмонларни иди Қурбон байрами билан яна бир бор Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳайъати, шунингдек, шахсан ўз номимдан муборакбод этаман. Аллоҳдан барча халқимизга иноят, инсоф, товфиқ сўраб қоламан. Вассалому алайкум вараҳматуллоҳи ва баракотух!

2.

МАККА ЙЎЛИДА

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ҲИКМАТ САДОЛАРИ

Жаҳон мусулмонларининг муқаддас зиёрати — Ҳаж сафарига йўл олган ўзбекистонлик биродарларимиз сафида истеъдодли шоир Абдулла Ориповнинг бўлиши ҳам фахрлидир. Табаррук сафар ҳозирлигини муносиб ўринлаган шоир самолётга чиқиш олдидан қуйидагиларни маълум қилди ва шеърларидан намуналар берди:

— Қуръони Карим ва Ҳадис Шариф таъсири билан «Ҳикмат садолари» номли шеърий ҳадислар китобини ёздим. Бу машғулот давом этаётир. Муборак Ҳаж сафари олдидан Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси Ислом маркази билан ташкил этган танловда мен тўпламим билан қатнашдим. Танлов ҳайъати бизни ғолиб деб топди, мен бундан албатта миннатдорман. Шу туфайли ҳажга сафар қилиш менга ҳам насиб этди.

Айтиш керакки, ота-боболаримиз Маккатиллоҳ васлига кейинги юз йил ичида муяссар бўлолмадилар, 90 ёшли қиблагоҳим барҳаётдирлар, улғайиб қолганлари сабабли, у кишининг илтижою армонларини бир фарзанд сифатида Каъбада изҳор этсам, бурчимни бир даража бажарган бўлур эдим.

Ҳадисда айтиладики, Каъба қошида ҳар бир мўмин-мусулмон ўз дилидаги истагини, армонини баён этади. Албатта менинг ҳам дилимда армонларим мўл. Аввало ўзимга мустаҳкам имон тиларман ва жафокаш халқим учун, эндигина оёққа турётган озод ва мушфиқ Ватаним учун бахт тиларман.

ҲАЙИТ

Ҳайит кунларида жанглар ҳам тўхтаб,
Қиличлар қинига қайтиб киргувчи.
Мўъминлар эгизак жонларга ўхшаб,
Узгага боққан чоқ ўзни кўргувси.
Умидвор ҳар кимса топиб кушойиш,
Қоронғу дилларга ёғиб тургай нур.
Уйқуда фароғат, юртда осойиш,
Дуолар ижобат, ниятлар манзур.
Адоват, ҳасадни касб этган инсон,
Майли шоҳ, ё гадо, ё сайид бўлсин.
Илоё, барига бахш этсин иймон,
Ўтар ҳар лаҳзаси бир ҳайит бўлсин.

ФАРЗАНД

Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди,
Лекин Оллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.

Ота фиғон чекди Каъба қошида,
Гўё унут бўлгай аламлар бари,
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмади бир гапдан нари.

Каъбага сиғинар экан кекса чол,
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: — Ибодатим бўлса ҳам увол,
Фақат саодат бер ўша боламга.

ҚИЁМАТ

Бир куни Муҳаммадга бердилар савол:
— Аё, Расулиллоҳ, айтиб бер буни.
Қачон фоний дунё топгайдир завол,
Қачон содир бўлгай қиёмат куни?
Гарчанд Биру Борга сомедир Инсон,
Иблис қутқуси ҳам ҳар қайда бордир.
Кимнингдир дилида собитдир иймон,
Кимгадир шайтоний васваса ёрдир.
Расулиллоҳ деди: — Умид қил, банда,
Қўчмасин дунёдан инсоф, диёнат,
Нопок одамларга кунинг қолганда,
Билгилки, ўша кун келгай Қиёмат!

ҲАЖ

Неча чўллар ошиб, дарёлар ошиб,
Бир кун кириб келди Маккага Карвон.
Денгизга етишган жилғадек шошиб,
Умматлар йўл олди Каъбага томон.
Уларнинг барчаси мўйсафид эди,
Асога таянган, нуроний бошлар.
Кимдир ҳайрат билан уларга деди:
— Наҳот ҳаж қилмайди сизларнинг ёшлар?
Умматлар дейишди: — Ҳақ йўли оғир,
Афсус чекмоқликдан мутлоқ наримиз.
Қутлуғ бу сафарга чиққанда, ахир,
Ёш-ёш йигит эдик бизлар баримиз...

3.

ҚУРЪОН—ЎЗБЕК ТИЛИДА





Ислом дини оламининг муқаддас китоби— Қуръон биринчи марта Тошкентда ўзбек тилида таржима ва тафсири билан мукаммал ҳолда нашрдан чиқди. Шу муносабат билан «Чўлпон» нашриётининг раҳбари Нурали Қобул қуйидагиларни маълум қилди:

БИЗ, мусулмонларнинг бу йилги Қурбон ҳайитимиз ғоятда қувонарли келди. Нашриётимиз жамоаси шу муборак айёмга бағишлаб Қуръоннинг таржима ва тафсирини нашрдан сифатли чиқарди. Уни Алоуддин Мансур таржима қилган ва изоҳларини ҳам ёзган. У ўзининг бу хайрли ва савобли иши учун Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси журналистлар учун ўтказган махсус танловда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди ва Саудия Арабистонига Ҳаж сафари қилишга муяссар бўлди. Китоб 35 босма табақдан иборат. Унинг биринчи навбати 500 минг нусҳа, кейин чоп этиладиган иккинчи навбати ҳам шунча минг нусҳада.

Бу катта масъулиятли ишни бажараётганимизда хатоларга йўл қўйилган бўлса—яратган тангрининг ўзи кечирсин. Ҳаммангизнинг Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

АБДУЛЛА ПЎЛАТОВ.

4.

ЖИДДА САЛОМИ

МЕН учувчилик касбини эгаллаганлигимдан бир умрга мамнунман. Шу касб туфайли биз, мусулмонлар учун азиз ва мўътабар бўлган Саудия Арабистони мамлакатини зиёрат этишга муяссар бўлдим. Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиокомпаниясига қарашли Тошкент авиация бўлинмамизнинг «ИЛ-62 М» замонавий самолёти экипажи мусулмонларнинг Ҳажга бориши муносабати билан Тошкент — Жидда ҳаво йўлида мунтазам қатнаб турибди. Биз у ерга беш марта парвоз қилдик. Ҳамма учишларимиз яхши ўтди. Зиёратчилар у ерга омон-эсон етиб боришди. Жидда аэропортида мамлакат ислом ташкилотларининг вакиллари ва у ерда бир неча кундан буён хизмат қилиб турган Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасининг раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари қучоқ очиб кутиб олдилар. У ҳурматли зот барча хизматчилар номидан Ўзбекистонга Қурбон ҳайити муносабати билан самимий салом ва қутлов йўлладилар. Мен бу сўзларни рўзнома орқали ҳаммангизга етказаётганлигимдан беҳад мамнунман.

Бугун нишонланаётган муқаддас байрам — Қурбон ҳайити муборак бўлсин!

Сойибхон СОЛИХОНОВ,
«Ил-62 М» самолёти штурмани.





Республика пойтахтининг Мирза Ғолиб маҳалласи аҳли Қурбон ҳайити намозини янги масжидда ўқишди. Бу ерда илк марта ҳайит арафасида жума намози ўқилган эди.

Масжидни Покистоннинг «Табани» фирмаси мутасаддилари ҳомийлигида бунёд этилмоқда. Қўш қаватли масжид яқин орада фойдаланишга топширилади.

Суратларда: янги масжид ва у ерда намоз ўқиш пайти тасвирланган.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг навбатдаги сони 13 июнда чиқади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода— 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—182.

Нашр кўрсаткичи—64583.
№ 115.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.00. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.